

Ёз билан ҳайрлашув
Ҳикоя

Неча кундирки, тинмасдан совуқ ёмғир қуяди. Боғда намхуш шамол шовуллайди. Кундуз соат тўртларданоқ керосинли чироқларни ёқдик. Шунда беихтиёр ёз бутунлай тугаганлиги, ер тобора туманларга қоришиб бораётгани, атрофни из²ирин, айна пайтда, ғалати қорон²улик босиб келаётганини илғаб қолдик.

Ноябр охири — қишлоқдаги энг ҳазин палла. Эски оромкурсига жойлашиб олган мушук кун бўйи ухлади, ёмғирнинг қоп — қора томчилари дераза ойналарига шитоб билан урилганда босинқирагандай учиб — учиб тушарди.

Йўллар ҳўлланди. Дарё бўйлаб сарғиш тўнкалар қалқиб ўтар, сув текис оқарди. Қушлар бўғотлар остига яширинишди. Мана, ҳафта ўтди ҳамки, мени ҳеч ким йўқлаб келмади: на Митрий бобо, на Ваня Малявин, на ўрмончи. Ҳаммасидан ҳам кечки пайт ёқимли кечарди. Биз печга ўт ёқардик. Олов гурлаб, қизғиш нурлари ёғоч деворлар, Брлюлловнинг эски сувратида мавжланарди. Оромкурсига ўрнашиб олган мусаввир бизга тикилиб турарди: кўлида очик китоб, кўзлари ўйчан, шариллаб оқаётган ёмғир куйига кулоқ тутгандай.

Чироқлар ёрқинлашиб, самовар қўшиғини бошлади. У билан хонамиз тўлиб қолди. Ойналар намланди, қайин барглари ойнақларга тинимсиз урилади. Чой ичиб бўлгач, печка ёнига ўрнашиб, китоб ўқий бошладик. Бундай пайтларда Диккенснинг узундан — узоқ, қалбни титратувчи романлари, «Нива» ва «Ранг — тасвир» журналларини ўқиш мароқли эди. Фунтик — малларанг, митти, қийшиқ оёқли мушугимиз уйқусида тез — тез йиғларди. Ўрнимиздан туриб, уни иссиқ қалин мато билан ўраб қўярдик, у эса миннатдорчилик билдиргандай кўлларимизни ялаб, ҳўрсиниб, яна пинакка кетарди. Девор ортида қоронғулик ҳайқирар, ёмғир шовқин солар, шамол кучаярди. Шундай ҳавода кўз илғамас кенг ўрмонларда қолиб кетганларни ўйлаш қўрқинчли эди.

Бир куни тунда ғалати сезги билан уйғониб кетдим. Тушимда қар бўлиб қолган эмишман. Кўзларимни юмганнча узоқ тингладим. Билдимки, эшитаяпман. ташқарини ўхшаши йўқ сукунат қоплаб олган. Ўрнимдан туриб, дераза ёнига бордим — ойналар қорли ва жим — жит. Туманли осмонга қарасанг, бошинг айлангудек юксакликда — ёлғиз ой, уни сарғиш — тилла гардиш ўраб турарди. Биринчи қор қачон ерга тушдийкин? Девордаги соатга яқинлашдим. Шу қадар ёруғ эдики, ҳатто соат миллари тим қора бўлиб кўриниб турарди. Вақт тунги — икки.

Кўзим илинибди. Икки соат ичида ер юзи шу қадар ўзгарибдики, далалар, ўрмонлар ва боғлар қуюн ичида. Ойна ортидан боғдаги заранг дарахти бутоғида ўтирган катта кулранг қушни кўрдим. Шох чайқалди, шовуллаб қор тўкилди. Қуш аста кўзгалди — да, учиб кетди. Ойнакка урилган қор сочилиб — сочилиб кетарди. Атроф бирдан жимиб қолди.

Рувим уйғонди. У ойнадан ташқарига тикилиб турди — да, чуқур нафас олиб:

— Биринчи қор ерга жуда ярашди. У иболи қиздай оқ либосига ўранибди. — деди.

Тонгда ҳаммаёқ биллурдек ярқирарди: музлаб қолган дарахтлар, тўкилган япроқлар, қор остида тарвақайлаб ётган дарахт томирлари. Чой ичаётганимизда Митрий бобо келди, бизни илк қор билан табриклади.

— Ер қор суви — кумуш сув билан тозариб олди, — деди.

— Митрий, бундай сўзларни қаердан оласан — а? — сўради Рувим.

— Тўғримасми? — кулимсиради бобо. — Онам айтардики, бурунги замонларда қизлар кумуш кўзалардаги биринчи қор сувига юзларини чайишаркан. Шунинг учун ҳам уларни гўзаллик тарк этмас экан.

Қишнинг биринчи куни. Уйга сиғмай кетдик — ўрмон кўллари томон йўл солдик. Бобо бизни ўрмон этагигача кузатиб борди. У ҳам кўлга боргиси келди — ю, лекин совуқдан «суякларининг зирқираши» бунга йўл қўймади. Сув тиниқ, тим қора. Юзада

нимаики қалқиб турган бўлса, қиш пайти сув тагига чўкиб кетарди. Қирғоқларда музликлар ойнадай товланиб, қад керишди. Музлик шу қадар шаффоф эдики, яқиндан қарасанг, кўзинг тиниб, уни бирдан илғаб олиш қийин. Қирғоқбўйи сув юзасида чавақ балиқлар галасини кўрдим. Улар томонга майда – майда тошлар отдим. Тошлар музликларга бориб тегиб, жаранглаб кетди. Ёғочли тўғонларда балиқ тангалари ялтираб – ялтираб кетар, соллар ичкарилаб боради. Музликда уларнинг ортидан оқ излар қолади. Шундагина музлик қатламлари пайдо бўлганини пайқадик. Қўлларимизни узатиб, музчалардан олишга уриндик. Улар қарсиллаб, бармоқларимизда қор ва бута мевасининг коришиқ бўйи анқиди.

Яқин — йироқ ялангликларда қушлар кўтарилди, қанотларини ғамғинлик билан силкиб қўйишди. Кўк жуда ёруғ ва оппоқ. Қуюқлашиб бораётган уфқ ранги кўрғошинга ғҳшарди. Қорли булутлар аста – аста силкиниб келарди. Ўрмон қоронғулашиб борар, атрофда — жим – житлик. Қалин қор ёғди. У кўлнинг қоқ — қора сувларида эриб, юзларни чимчилар, ўрмонни кулранг тутун билан қоқларди.

Қиш бошланди. Аммо ғовак — ғовак қорни ёйиб, тозалаб ташланса, янги гуркираб турган ўрмон гулларига кўзингиз тушарди. Билардикки, читтаклар қишлаб қолишса, печимизда олов чирсиллаб турса, бундай қишнинг завқига ҳеч не етмайди! Шунда қиш кўзимизга ёз каби янада мафтункор кўриниб кетди.

1940 йил

Ойгул Суюндиқова таржимаси